

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АГРАР СЕКТОРДА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ЖИҲАТЛАРИ

Одина Насридиновна Тешабаева

Фарғона давлат университети ўқитувчиси

odina_0505@mail.ru

Насибохон Хасановна Ташматова

Фарғона давлат университети магистри

АННОТАЦИЯ

Мамлакат ялпи ишлаб чиқаришида хусусий тадбиркорлик улушининг ортиб бораётгани ички бозорни рақобатбардош ва сифатли товарлар билан тўлдириш, замон талабларини инобатга олган ҳолда хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, экспорт таркибида жаҳон бозорларида харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни кўпайтириш, аввало ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, экспорт, аграр сектор, жаҳон бозори, кичик бизнес, меҳнат.

ABSTRACT

Increasing the share of private entrepreneurship in the gross production of the country is one of the important factors in filling the domestic market with competitive and high-quality goods, expanding the sphere of provision of services taking into account the requirements of the time, increasing products of high added value in world markets in the export structure, creating new jobs

Keywords: entrepreneurship, export, agrarian sector, world market, small business, labor.

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 80% кўпроғи хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда. Мавжуд барча хўжалик субъектларининг 90 фоизидан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 53,9% яқини, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 27,5%



ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 97,0% айнан шу соҳа –хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келмоқда.

“Ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиши кичик бизнес секторининг мустаҳкам асосда иқтисодий тараққий этиши ва барқарор суръатларда ўсишига замин яратиб берди. 2005–2020 йиллар давомида ЯИМда кичик бизнеснинг улуши 38,2% дан 53,9% га ёки 15,7 пунктга, жумладан кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг ЯИМдаги улуши мос равишда 21,5% дан 35,2% га ёки 13,7 пунктга ўсди. Кичик бизнес секторидан банд бўлганлар сони 2008 йилда 8,0 млн. 2017 йилда 9,9 млн. кишини ташкил этгани ҳолда, 2020 йилда ушбу секторда банд бўлганлар сони 10,4 млн кишини ёки Республика иқтисодий фаол аҳолисининг 78,3 фоизини ташкил қилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таққослайдиган бўлсак, умумий бандликда кичик бизнеснинг улуши АҚШда 54%, Буюк Британияда 56%, Германияда 69,5%, Италияда эса 71 %ни ташкил қилади. Кичик бизнес соҳасида бандликнинг ортиши кам таъминлаган аҳоли даражасини қисқартиришда муҳим омил саналади. Янгидан ташкил этилаётган кичик бизнес субъектларининг барқарор ўсиши, қулай бизнес – муҳитнинг барпо этилиши, ягона солиқ тўловлари бўйича солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ресурсларга етишиш шартларининг соддалаштирилиши ва шунингдек, йирик компаниялар билан кичик бизнес субъектлари ўртасида кооперацион алоқаларнинг ривожланиши эвазига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 2005 йилдаги 9,8%дан 2020 йилда 27,5 %гача ўсди”.

1-жадвал

Кичик бизнеснинг 2005-2020 йилларда ривожланишининг асосий кўрсаткичлари[2]

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2005	2010	2017	2020
1.	ЯИМда кичик бизнеснинг улуши	%	38,2	52,5	53,3	53,9
2.	Шу билан бирга кичик корхоналар ва микрофирмалар	%	21,5	32,7	36,3	36,7
3.	Кичик бизнесдан банд бўлганлар сони	Млн киши	6,7	8,6	9,9	10,4
4.	Умумий бандликдаги улуши	%	65,5	74,3	78,3	79,4

Кичик бизнес секторининг жадал суръатлар билан ривожланиши кўп жиҳатдан таркибий ислохотларнинг муваффақиятини белгилаб берди. “Ҳаркатлар стратегиясида хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни



таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилни амалга ошириш борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган”[1].

Натижада кичик бизнес субъектлари товарлар бозорида давлат корхоналари эгаллай олмаган катта улушларга эга бўлди. Кичик корхоналар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш улушининг бир мунча юқори 16,1 пунктга ўсиши озиқ – овқат саноатида кузатилди, мазкур тармоқда кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилга нисбатан 2020 йилда 33%га ўсди. Фермер хўжалиklarини ривожлантиришга катта урғу берилиши натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг улуши 2005 – 2020 йиллар оралиғида 85,7% дан 97,0% гача ўсди.

2-жадвал

2005-2020 йилларда иқтисодий тармоқлари маҳсулотидан кичик бизнеснинг улушининг ўзгариши[2]

№	Кўрсаткичлар	2005й	2010й	2017й	2020й
1.	Саноат	9,8	18,8	39,6	27,5
2.	Қишлоқ хўжалиги	85,7	97,8	99,0	97,0
3.	Қурилиш	49,4	53,1	65,1	72,4
4.	Чакана савдо	43,7	50,3	88,4	82,4
5.	Пуллик хизматлар	52,5	47,0	50,5	51,5

Уй – жой массивларини бунёд этиш билан бир қаторда кичик бизнес субъектлари томонидан ичимлик суви тармоқлари, қишлоқ врачлик пунктлари, умум таълим муассасалари, ижтимоий инфратузилма, сервис ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Республика вилоятларида қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 90%дан ортиғи кичик бизнес субъектлари томонидан бажарилмоқда, хусусан бу кўрсаткич Андижон вилоятида – 94,3%, Наманган вилоятида – 93,9% ва Самарқанд вилоятида – 92,3% ни ташкил этади. Чакана товар айланмасида кичик бизнес субъектларининг улуши 112,2 % ўсиш суръатида 2020 йилда 47,4%га етди, бу эса 2005 йилга нисбатан 3,7 пунктга кўп. Худудлар кесимида умумий чакана товар айланмасида кичик бизнес корхоналарининг улушини таҳлил қиладиган бўлсак, бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 2020 йилда Бухоро вилоятида 14,7 пунктга, Сурхондарё вилоятида 8,2 пунктга ва Қорақалпоғистон Республикасида 8,9 пунктга ошганлигини кўришимиз мумкин. Бандликда эса, Андижон ва Самарқанд вилоятлари (84,5%), Наманган (93,9%), Хоразм (82,9%) ташкил қилди.

МУХОКАМА

Экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларининг давлат томонидан қўллаб – қувватланиши экспорт маҳсулотлари ва хизматлари ҳажмининг ўсишида кичик бизнес ҳиссасининг ортиб боришига замин яратиб берди. Кичик бизнес субъектларининг экспорт ҳажмидаги улушининг 6%дан 20,5 %га ўсиши эвазига, мамлакат умумий ташқи савдо айланмаси ҳажмида кичик бизнес корхоналарининг улуши 2005 йилдаги 18,0%дан 2020 йилда 20,5%га ўсди.

2020 йилда глобал инқироз ва каронавирус пандемияси таъсири натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 3100,6 млн долларни ёки умумий экспорт ҳажмининг 20,5%ни ташкил қилди.

2020 йилда ҳудудлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми жами экспорт ҳажмига нисбатан энг юқори улуш Сирдарё вилоятида 80,8%ни, Хоразм вилоятида 70,0%ни, Сурхондарё вилоятида 63,9%ни, Жиззах вилоятида 62,7%ни, Фарғона вилоятида 58,5%ни, Самарқанд вилоятида 57,6%ни ва энг паст кўрсаткични Навоий вилоятида 11,7%ни ташкил қилди.

2020 йилда глобал инқироз ва каронавирус пандемияси таъсири натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган импорт ҳажми 10972,2 млн долларни ёки умумий импорт ҳажмининг 51,8%ни ташкил қилди.

2020 йилда ҳудудлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган импорт ҳажми жами импорт ҳажмига нисбатан энг юқори улуш Жиззах вилоятида 93,3%ни, Сурхондарё вилоятида 92,3%ни, Наманган вилоятида 76,3%ни, Фарғона вилоятида 73,8%ни, Сирдарё вилоятида 71,1%ни, ва энг паст кўрсаткични Андижон вилоятида 12,9%ни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 100796,9 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 2020 йилда ҳудудлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми бўйича энг юқори улуш Жиззах вилоятида 64,3%ни, Наманган вилоятида 50,3%ни, Сурхондарё вилоятида 47,3%ни, Фарғона вилоятида 45,8%ни, Самарқанд вилоятида 45,5%ни Сирдарё вилоятида 37,3%ни, ва энг паст кўрсаткични Навоий вилоятида 6,6%ни ташкил қилди.

Саноат маҳсулотлари ҳажмида кичик бизнес субъектлари улушининг сезиларли даражадаги ўсиши қуйидаги тармоқларда: озиқ –овқат саноатида – 17,9%дан 94,0%га (78,1 пунктга), медицина соҳасида - 6,7%дан 68,4%га (61,7 пунктга), полиграфия саноатида – 35,1%дан 89,0%га (53,9 пунктга), қурилиш материаллари саноатида – 5,3%дан 40,0%га (34,7 пунктга), ёқилғи саноатида – 10,5%дан 26,8%га (16,3 пунктга) ва машинасозлик саноатида - 2,3%дан 16,7%га (14,4 пунктга) кузатилди. 100% ўсиш кўрсаткичига эришган микробиология саноати маҳсулотлари экспорти ҳажмида кичик бизнеснинг улуши етарлича катта бўлганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳудудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар ҳажмида кичик бизнес субъектларининг бир мунча юқори улуши Самарқанд вилоятида – 62,0%, Андижон вилоятида – 56,9%, Тошкент шаҳрида – 56,3%, Хоразм вилоятида – 61,7% ва Сурхондарё вилоятида – 53,3 % кузатилди. Шу тариқа, мамлакатни ижтимоий – иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти йил сайин ошиб бораётганлигини статистик кўрсаткичлар динамикасида ҳам кўришимиз мумкин.

Бироқ глобал инқироз ва каронавирус пандемияси таъсири натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот ва хизматлар сотувидан тушган соф тушум мавжудлари бўйича ўтказилган кузатув натижаларига кўра ўтган йилнинг шу даврига нисбатан иқтисодий вазиятни қулай деб баҳоланган қорхоналар улушида барча иқтисодий фаолият турлари бўйича пасайиш кузатилган. Шу билан бирга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққосланганда саноат соҳасида 1,4 пунктга, қурилишда 4,7 пунктга, савдо соҳасида 6,8 пунктга иқтисодий вазиятни қониқарли деган қорхоналар улуши ўсди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муносиб тарзда кириб боришида кичик бизнес муҳим рол ўйнайди. Чунки кўплаб бизнес таҳлилчилари ва тадқиқотчилар XXI асрда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қатор мамлакатларда иқтисодиётнинг динамик қисмига айланиб, миллий иқтисодиётнинг тараққиётининг мустаҳкам таянчини ташкил этади деган фикрдалар. Бошқача қилиб айтганда, кичик бизнес ҳар қандай давлатнинг муваффақиятли ривожланиши ва гуллаб яшнашининг асосий негизи бўлиб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётнинг таянч соҳаси сифатида тан

олинган. Шу боис мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари ҳамда аҳоли фаровонлигининг ошиши ҳал қилувчи даражада айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига боғлиқ.

Ўзбекистонда коронавирус пандемияси ва глобал инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида 2020 йил 19 мартда “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон, 2020 йил 4 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон, 2020 йил 27 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5986-сон, 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5996-сон, 2020 йил 27 июлдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6029-сон фармонлари қабул қилинди.

Пандемиянинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирларини юмшатиш юзасидан Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Жорий йилнинг 17 июнь ҳолатига мазкур (10 трлн.сўмлик) жамғарманинг даромадлари 7,44 трлн.сўмни ташкил этди, яъни шу кунга қадар жами сумманинг 74,4 фоизи шакллантирилди. Шундан, 7,32 трлн.сўм халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобига, 123,5 млрд.сўм эса, давлат бюджети ҳисобига шакллантирилиб, жами сарфланган харажатлар миқдори 3,3 трлн.сўмни ташкил этди. 30 май ҳолатига кўра, 500 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ва 8 миллион нафардан зиёд фуқаро 30 трлн. сўмга яқин ёки қарийб 3 млрд АҚШ доллари (ЯИМнинг 6 фоизи) миқдорида имтиёз ва преференциялар олган[3].

Тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва уларнинг инвестицион фаоллигини қўллаб қувватлаш мақсадида “2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача бўлган даврда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига қадар камайтирилди”. [4] Шунингдек, ҳисобот йилида амалга оширилган товарларнинг умумий экспортига нисбатан 10 фоиздан ошмаган муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда, кафолатланган тўловни таъминламасдан товарлар

экспортини амалга оширишга, 2020 йил давомида ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлигини сўндириш эвазига технологик асбоб-ускуналар ва хомашё товарларини импорт қилиш бўйича бир марталик операцияларни амалга оширишга рухсат берилди.

Ўз фаолиятини тўхтатган ва товарлар (хизматлар) сотишдан тушуми жорий йилнинг биринчи чорагига нисбатан 50 фоиздан кўпроққа камайган микрофирма, кичик корхона ва яқка тартибдаги тадбиркорларга (2020 йил 31 декабрга қадар) айланма солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (кейинчалик 12 ой давомида) ва ижтимоий солиқларни (кейинчалик 6 ой давомида) фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилди. Ушбу имтиёзлар эса қарийб 4 000 та корхона учун жами 230 млрд.сўм миқдоридаги маблағларни иқтисод қилинишига ва мазкур маблағлар айланма маблағ сифатида ишлатилишига имкон яратди.[3]

Микрофирма ва кичик корхоналар учун товарларни (ишларни, хизматларни)ни олиб киришда (импортда) қўшилган қиймат солиғини тўлашни 120 кунгача кечиктириш ҳуқуқи берилди. 2020 йилнинг 1 майдан 1 июлигача бўлган даврда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача камайтирилди. Мазкур тақдим этилган имтиёз республика бўйича барча микрофирмалар ва кичик корхоналарга 550 млрд.сўмлик маблағларни айланма маблағ сифатида эркин ишлатиш имконини яратди. Микрофирма ва кичик корхоналарнинг айланма маблағлари камайишининг олдини олиш мақсадида, 2020 йил 15 май ҳолатига солиқ қарзлари ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун пеня ва ҳисобланган жарималар бўйича қарздорликларини ундириш 1 сентябргача тўхтатилди.

Эндиликда, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятларини босқичма-босқич қайта тиклаш ҳамда коронавирус пандемиясига қарши кураш чораларини қўллаган ҳолда хавфсиз фаолиятларини юритишлари учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- хусусий тадбиркорлар учун хом ашё ресурсларидан фойдаланиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очик ва ошкора бўлишини таъминлаш. Бунинг учун ресурсларни очик биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кенгайтириш;

- эркин рақобат муҳитини ва барча тадбиркорлик субъектларига тенг имкониятлар яратиш мақсадида имтиёз ва преференцияларни оқилонлаштириш, уларни айрим корхоналарга эмас, балки алоҳида ишлаб чиқариш ва хизмат турларини рағбатлантириш мақсадида бериш;

• текширишлар ўтказишга рухсат беришнинг махсус электрон ахборот тизимига ўтиш. Шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда Савдо - саноат палатаси иштирокини таъминлаш.

REFERENCES

1. ПФ-4947-сон 07.02.2017. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумоти
3. Туляков Э. COVID-19: Ўзбекистон томонидан амалга оширилган чоралар” // <https://strategy.uz/index>.
4. ПФ-5969-сон 19.03.2020. Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида <https://lex.uz>
5. Олимова, Н. Х. (2019). Пути формирования и эффективного развития стратегии управления персоналом предприятия. Тенденции развития мировой торговли в XXI веке: Материалы VIII, 536.
6. Олимова, Н. Х., & Эргашев, А. Х. (2017). Особенности оценки инвестиционной привлекательности реального сектора экономики. www.issledo.ru Редакционная коллегия, 120.
7. Kh, O. N. (2021). Prospects for the food industry development of Uzbekistan. *Ceteris Paribus*, (2), 8-11.
8. Олимова, Н. Х., Тешабаева, О. Н., & Жўраева, Н. Х. Қ. (2022). Ўзбекистонда инновацион жараёнларни такомиллаштириш орқали корхоналар рақобатдошлигини ошириш масалалари. *Scientific progress*, 3(3), 276-282.
9. Олимова, Н. Х., & Сотволдиев, Н. Н. (2021). Денежно-кредитная политика государства в обеспечении пропорционального развития реального и финансового секторов экономики. *Cognitio rerum*, (7), 35-39.
10. Akhunova, O. E., Kh, O. N., & Kh, E. A. (2019). Role of innovative technologies in ensuring competitiveness of export products in Uzbekistan. *Process management and scientific developments*.
11. Юлчиев, А., Эрматов, Р., & Мохинур, Ж. (2022). Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш. *Research and Education*, 1(2), 104-111.
12. Xomidov, Q. (2019). Iqtisodiyotimizni raqobatbardoshligini oshirishda innovatsion tadbirkorlikning o'rnini va ahamiyati.
13. Xomidov, Q. (2020). Iqtisodiyotni investitsiyaviy jozibadorligini oshirishda erkin iqtisodiy zonalarni



rivojlanirishning ahamiyati.

14. Олимова, Н. Х., & Ахунова, О. Э. (2019). Научно-теоретические аспекты организации торговли текстилем. In Тенденции развития мировой торговли в XXI веке (pp. 66-69).
15. Teshabaeva, O., & Yulchiev, A. (2022). Innovative marketing strategy aimed at maximizing the development of the tourist industry in Uzbekistan. *Asia Pacific Journal of Marketing & Management review* Issn: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(05), 1-6.
16. Олимова, Н. Х. (2021). Анализ развития и факторов конкурентоспособности промышленных предприятий региона. *Cognitio rerum*, (7), 32-35.
17. Kh, O. N., & Kh, E. A. (2021). Prospects for effective use of marketing strategies to increase investment activity of Fergana region. *Ceteris Paribus*, (2), 11-14.
18. Олимова, Н. Х. (2022). Зарубежный опыт оценки эффективности корпоративного управления в акционерных обществах. *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences*, 2(2), 93-99.
19. Тешабаева, О. Н., & Нишонбоев, Д. Э. Ў. (2021). Корхоналарнинг маркетинг салоҳиятини баҳолаш омиллари. *Scientific progress*, 2(7), 657-661.
20. Юлчиев, А., Эрматов, Р., & Мохинур, Ж. (2022). Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш. *Research and education*, 1(2), 104-111.

